Куч — адолатда

2012 йил,
24 ноябрь,
шанба
№ 46 (403)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.oliysud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

Мамлакатимиз Конституцияси давлатимиз ва жамиятимизнинг нафақат бугуни, балки келажагини ҳам ўзида ифода этган мўътабар қомусдир. Шу боис ҳам Асосий қонунимиз қабул қилинган кунни биз алоҳида аҳамиятга молик сана сифатида нишонлаймиз.

Мана, йигирма йилдирки, жамиятимизда, ҳар қайси оила ва ватандошларимиз ҳаётида қандай ижобий ўзгаришлар содир бўлаётган бўлса, буларнинг барчаси Конституциямизда белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларга оид қоидалар ҳаётимизда ўзининг амалий ифодасини топаётгани боисдир.

Ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти

барпо этишнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори

Бош қомусимиз ўзида инсон — оила — жамият — давлат манфаатларини уйғунлаштиргани сабабли, мазкур ҳужжат ҳаётимизнинг барча соҳаларида олиб борилаётган ислоҳотларнинг самарали, муваффақиятли бўлишини ҳуқуқий жиҳатдан кафолатламоқда. Жаҳонда юз бераётган воқеалар шуни яққол тасдиқламоқдаки, агар инсон ва давлат манфаатлари ўзаро уйғунлиги бузилса, олға силжиш бўлмайди. Юртимизда эса, бу масалага алоҳида эътибор қаратилиб, жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуғи — инсон деган фикрнинг илгари сурилгани ва шу асосда «фуқаро — жамият — давлат» ўртасидаги ўзаро муносабатнинг оқилона ҳуқуқий ечими конституциявий асосда мустаҳкамлангани ўз самарасини бермоқда.

Конституциямиз инсон ҳуқуқлари ва давлат мустақиллиги ғояларига садоқат, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятни англаш, ўзбек давлатчилигининг тарихий тажрибасига таяниш, демократия ва қонунийликни ҳурмат қилиш, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидаларини тан олиш, Ўзбекистон фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлаш, инсонпарвар ҳуқуқий жамият барпо этиш ва ниҳоят, фуқаролар тинчлиги ва миллий ҳамжиҳатликни кафолатлаш каби олижаноб мақсадларни кўзлайди.

(Давоми иккинчи бетда)

Munosabat

Одил судлов тамойиллари

янги қонунларда янада кенгроқ акс этмоқда

Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу борада эришилаётган ютуқларимиз халқимиз манфаатига хизмат қилиши билан бир қаторда халқаро ҳамжамиятнинг эътирофига ҳам сазовор бўлиб келмоқда.

Бунда Президентимиз Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган, дунёда "ўзбек модели" сифатида тан олинган тараққиёт моделининг ҳаётга изчил тадбиқ этилаётгани алоҳида аҳмият касб этаётир.

Юртимизда ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишлар давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида янги маъно ва мазмун билан бойиди. Айтиш керакки, концепцияда илгари сурилган ғоялар асосида рўёбга чиқарилаётган чора-тадбирлар инсон манфаатларини ҳимоя қилиш самардорлигини янада оширишга замин яратмоқда.

Маълумки, суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш масаласига Концепцияда алоҳида ўрин берилган. Шу мақсадда илгари сурилган қонунчилик ташаббуслари инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш тизимини янада мустаҳкамлашга қаратилган.

2012 йил 19 сентябрда кучга кирган **"Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги қонун шулардан бири бўлиб, унинг асосий мақсади процессуал мажбурлов чораларини қўллашнинг янги механизмини яратиш, судни ўзига хос бўлмаган ваколатлардан халос этиш билан бирга айнан одил судловга таллуқли ҳуқуқий асосларни янада такомиллаштириш, жиноят ишларини судда кўриш тартибини янада соддалаштиришдан иборат.

Ушбу янги қонунга кўра, судга қадар иш юритув босқичида қўлланадиган чоралар, яъни лавозимдан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини судьянинг санкцияси асосида қўллаш тартиби жорий этилди.

Айбланувчи, судланувчи ўз иш жойида қолса, жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашга ёки жиноят оқибатида етказилган зарарнинг ўрнини қоплашга тўсқинлик қилади ёхуд жиноий фаолиятини давом эттиради, деб ҳисоблашга етарли асослар мавжуд бўлса, улар лавозимидан четлаштирилиши мумкин. Бу ҳақда, аввало, прокурор, терговчи қарор чиқаради.

(Давоми учинчи бетда)

2012-yil — «Mustahkam oila yili»

Мустаҳкам оила — соғлом жамият

Пойтахтимизнинг Яккасарой туманидаги "Дамариқ" маҳалласида ёш оилалар учун 71 хонадонга мўлжалланган иккита саккиз қаватли уй ажратиб берилди. Хонадонлар 15 йил муддатли кредит ҳисобидан берилади. 50 нафардан ортиқ ёш оилалар янги уйларга кўчиб ўтишга тараддуд кўрмоқда.

(Давоми тўртинчи бетда)

Айтиш керакки, халқимизга хос бағрикенглик, кечиримлилик ва олийжаноблик сингари юксак қадриятларни дунёнинг бошқа бирон-бир жойидан топиш қийин. Энг муҳими, бу юксак қадриятлар мустақиллик йилларида қабул қилинаётган қонунларга тобора чуқурроқ сингдирилмоқда.

Айниқса, жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан ярашув институтининг амалга жорий этилиши халқимизга хос бағрикенглик ва кечиримлилик каби фазилатларни ўзида тўлиқ намоён этиши баробарида, соҳадаги ислоҳотларнинг янги босқичини бошлаб берди.

(Давоми иккинчи бетда)

Islohot va samara

Миллий қадрият ва қонунчилик

ёхуд қонунларга киритилаётган ўзгартишларнинг моддий-маънавий ва ҳуқуқий-тарбиявий аҳамияти бекиёслиги ҳақида

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, рақобатни ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришни рағбатлантириш борасида кенг кўламдаги чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Qonun ijodkorligi

Тадбиркорлар ҳуқуқларининг устуворлиги

амалда ишбилармонлар манфаатига хизмат қилмоқда

Айтиш керакки, тадбиркорлик субъектларининг давлат, ҳуқуқни муҳофаза этувчи ва назорат қилувчи органлар билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлар ҳуқуқларининг устуворлиги тамойили қонун даражасида жорий этилмоқда.

Маълумки, тадбиркорлар ҳуқуқларининг устуворлигини янада кенгроқ таъминлаш мақсадида Президентимизнинг 2012 йил 18 июлда **"Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Фармони қабул қилинди.

(Давоми учинчи бетда)

Fuqarolik qonunchiligi

Низосиз талаблар

суд буйруғи тартибида самарали ҳал этилмоқда

Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида суд ишларини янада соддалаштириш бўйича эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда. Буйруқ тартибида иш юритиш шулардан бири бўлиб, бу фуқароларнинг суд орқали ҳимояланишга бўлган ҳуқуқларини амалга ошириши учун қўшимча қулайликлар яратмоқда.

Суд буйруғи — ундирувчининг пул маблағларини ундириш тўғрисидаги ёки кўчар молмулкни низосиз талаблар бўйича қарздордан талаб қилиб олиш тўғрисидаги аризаси бўйича судьянинг ишни судда кўрмасдан чиқарган ҳужжатидир.

Дастлаб талаб нотариал битимга асосланган ва жавобгар томонидан тан олинган бўлса, агар вояга етмаган болалар учун алимент ундириш, оталикни белгилаш ёки учинчи шахсларни жалб этиш зарурати билан боғлиқ бўлмаган талаб арз қилинган бўлса, ариза суд буйруғи тартибида кўрилар эди.

Фуқаролик процессуал кодексининг 238^2-моддаси 2-бандига ўзгартириш киритилгач, талаб ёзма битимга асосланган ва қарздор томонидан тан олинган бўлса, шу жумладан, агар коммунал хизматлар тўлови бўйича қарзни ундириш ҳақидаги талаб арз қилинган бўлса ҳам суд буйруғи чиқарилади ган бўлди. Бундан ташқари ходимнинг ҳисобланган, лекин тўланмаган иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни ундириш ҳақидаги талаби арз қилинган бўлса ҳам суд буйруғи чиқарилиши мумкинлиги қонунчиликда мустаҳкамланди.

(Давоми учинчи бетда)

Бош Қомусимизда эътироф этилганидек, ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт.

Qonun ko'magi

Фуқаролар мурожаати

доимий эътиборда

Ушбу конституциявий қоида **"Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"**ги қонунда янада кенгроқ акс эттирилди. Унда ҳар бир мурожаатни белгиланган муддатда кўриб чиқиб, ҳал этиш тартиби белгилаб берилгани фуқароларнинг манфаатларини таъминлашга хизмат қилаётир.

"Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонун фуқароларга давлат органлари ва муассасаларга ариза, шикоят ҳамда таклиф билан мурожаат этиш орқали ўзларининг ҳуқуқ ва эркинликлари, шунингдек, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, давлат органлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган таклифлари билан ўз муносабатларини билдириш имконини яратди. Шу асосда фуқароларнинг ҳамда давлат органлари ва муассасаларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тартибга солинди.

(Давоми иккинчи бетда)

Qonun ko`magi

Фуқаролар мурожаати

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Адлия вазирлиги тизимида фуқароларнинг мурожаатларини қабул қилиш ва ўз вақтида ҳал этиш борасида изчил ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг ўтган ўн ойи мобайнида Андижон вилояти адлия бошқармасига фуқаролардан 93 та мурожаат келиб тушган. Бу мурожаатларнинг барчаси ўз вақтида ўрганиб чиқилиб, уларнинг 43 таси қаноатлантирди, 27 нафар муаллифга тегишли тартибда ҳуқуқий тушунтиришлар берилди.

Фуқароларнинг мурожаатлари ҳамда ўтказилган ўрганишлар натижасида аниқланган камчиликлар юзасидан айбдор мансабдор шахсларга жавобгарлик чоралари кўрилди. Бу борада прокуратура органига 4 та, суд ва бошқа идораларга 50 та таклифлар киритилиб, 3 нафар мансабдор шахсга нисбатан жиноий иш қўзғатилди, 46 нафар мансабдор шахсга эса, маъмурий жазо қўлланилди.

Шу билан бирга қонун ҳужжатлари бузилишини, уларнинг сабабларини ҳамда бунга олиб келувчи шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан тегишли ташкилот ва муассасаларга 53 та тақдимнома, 44 та ёзма кўрсатма ва 13 та огоҳномалар киритилди.

Бундан ташқари фуқароларнинг бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш юзасидан уларнинг манфаатини кўзлаб, судларга 259 та 143 миллион сўмлик иш ҳақларини ва 2 миллион 585 минг сўмлик моддий ва маънавий зарар ундириш бўйича даъво аризалар киритилди. Киритилган мазкур даъво аризаларнинг барчаси фуқаролик судларида кўриб чиқилди ва қаноатлантирилди.

Мисол учун Андижон кўприк хўжалигини сақлашга ихтисослаштирилган таъмирлаш, фойдаланиш корхонасининг ишчиси Н.Хўжамова иш ҳақини ололмаётгани юзасидан мурожаат қилган. Ўрганиш жараёнида унинг мурожаати асосли, деб топилиб, иш ҳақи, шунингдек, мансабдор шахслар томонидан етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш юзасидан фуқаролик судига даъво аризаси киритилди. Суд томонидан даъво аризаси тўлиқ қаноатлантирилди.

Шунингдек, Азизбек Маматов ишонч телефонига мурожаат қилиб, Андижон кичик ва ўрта бизнес касб-ҳунар коллежи директори у билан тузилган меҳнат шартномасини ноқонуний тарзда бекор қилганлигини, меҳнат шартномаси бекор қилинган вақтда у таътилда бўлганлигини, олдиндан огоҳлантирилмаганлигини айтиб, ишга тиклашга ёрдам беришни сўраган. Адлия бошқармаси томонидан бу мурожаат ўрганиб чиқилди ва фуқаронинг даъвоси асосли экани ўз исботини топди. Адлия бошқармаси томонидан коллеж директори номига киритилган тақдимномага асосан, ноқонуний тарзда чиқарилган буйруқ бекор қилиниб, А.Маматов ишига қайта тикланди.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир мурожаат алоҳида эътиборда бўлиб, уларнинг ижобати юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда. Зеро, бу фуқароларнинг қонун асосида кафолатланган мурожаат қилиш ҳуқуқи рўёбга чиқарилишининг муҳим шартидир.

Ботиржон МАМАДАЛИЕВ,
Андижон вилояти адлия бошқармаси бошлиғи

O`zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilinganligining 20 yilligiga

Ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти

барпо этишнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Мустақил Ўзбекистонинг Конституцияси биринчидан, ҳақиқатан ҳам, демократик Конституция бўлиб, тарихда синалган умуминсоний, умумбашарий қадриятларни ўзида мужассам этган, иккинчидан, энг ривожланган, тараққий топган давлатларнинг тарихий тажрибасига таянган ҳолда яратилган. Учинчидан, Конституциямиз, умумий мазмунидан тортиб ҳар бир бандига қадар муқаддас қадриятларни, шу азиз ва муқаддас заминимизда истиқомат қилаётган инсонларнинг дунёқарашини, уларга хос ўзаро муносабатларни, хусусиятларни, меҳр-оқибат, одамийлик, ўзга миллат ва элатларга нисбатан ҳурмат, илму фанга интилишдек эзгу ғояларни ўзида мужассамлаштирган.

Конституциямизда инсон ҳуқуқи ва эркинлигининг устувор эканлиги ўз ифодасини топган. Биргина 13-моддани оладиган бўлсак, унда Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланиши, уларга кўра, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши қайд этилган.

Шу ўринда мазкур фикрнинг яққол исботи сифатида шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, Асосий қомусимиз 128 моддадан иборат бўлгани ҳолда унинг 30 дан ортиқ моддалари бевосита инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига бағишлангандир. Конституциямиз Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг деярли барча принципиал қоидаларини ўзида мужассамлантириб, барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, Конституция ва қонунларнинг устунлиги таъминланишини қайд этади. Энг муҳими, ушбу кафолатлар ижтимоий ҳаётимизда ўз ифодасини топиб, халқимиз манфаатига хизмат қилмоқда.

Конституциямиз, шунингдек, ўзининг туб моҳияти, фалсафаси, ғоясига кўра, янги ҳужжат бўлиб, унда ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланиши ва ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмаслиги мустаҳкамланган.

Конституциямизда фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш, давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш, овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланиши мустаҳкамланди. Ушбу конституциявий тамойилларнинг қонунчилик механизмлари "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида", "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида", "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида", "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида", "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги қонунларда ўз ифодасини топди.

Халқимизда, оила тинч — юрт тинч деган ҳикмат бор. Оилада аҳиллик бўлса, юртда аҳиллик бўлади. Оилада илм-зиё, маънавий-аҳлоқий масалалар тўғри йўлга қўйилган бўлса, жамиятда комиллик бўлади. Оиланинг иқтисоди мустаҳкам бўлса, мамлакатда фаровонлик ҳукм суради. Давлат ва жамият ҳаётида оила институтининг аҳамияти юқори эканлигидан келиб чиқиб, Конституциямизнинг XIV боби оилага бағишланиб, оила жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга эканлиги қайд этилди. Бу борада Оила кодекси қабул қилинганлиги, 1998 йилни **"Оила йили"**, 2012 йилни **"Мустаҳкам оила йили"** деб эълон қилинишининг ўзиёқ жамиятимизда оилага нақадар юксак эътибор берилаётганлигининг яққол исботидир.

Конституциямизнинг 41-42-моддаларида таълим, илм-фан борасидаги давлат кафолатлари натижаси ўлароқ таълим соҳасидаги инновациялар кўрсаткичи бўйича Ўзбекистон 75,38 балл билан дунёда иккинчи ўринни эгаллади.

Агар мустақилликдан аввал хусусий мулк деган тушунчани тасаввуримизга келтиролмаган бўлсак, ҳозирда Конституциямизнинг 53-моддасида белгиланган тарихий, улкан имконият — бу хусусий мулкка эгалик қилиш, тадбиркорликка кенг йўл очилиши ҳисобланади. Шуни айтиш керакки, бундан 20 йил аввал Ўзбекистонда хусусий тадбиркорлик деярли йўқ эди, бугун эса, мавжуд барча хўжалик субъектларининг 90 фоизидан ортиғини кичик бизнес корхоналари ташкил этади. Ҳозирги кунда ялпи ички маҳсулотнинг 54 фоизи айнан шу соҳа ҳиссасига тўғри келмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Конституциямиз биз учун нафақат муҳим ҳаётий қўлланма, балки ғурур-ифтихор, шу заминда истиқомат қилаётган, миллати, тили, динидан қатъи назар, барча инсонлар учун мустаҳкам бир ҳимоя, қонун олдида ҳамманинг тенглигини таъминлайдиган, ҳар бир инсоннинг ўз фикрини эмин-эркин ифода қилишида, бурч ва масъулиятларини бажаришида бамисоли қалқон бўлиб хизмат қилмоқда.

Миравзал МИРАКУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бўлим бошлиғи

Fuqarolik qonunchiligi

Низосиз талаблар

суд буйруғи тартибида самарали ҳал этилмоқда

Шунингдек, 2011 йил 23 апрелда суд буйруғи тартибида кўриладиган аризалар доираси янада кенгайтирилиб, агар фуқаролардан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзларни ундириш ҳақидаги талаб арз қилинган бўлса, суд буйруғи тартибида кўриш белгиланди.

Қонунчиликка бу каби ўзгартириш ва қўшимчаларнинг киритилиши ўз навбатида фуқароларнинг ортиқча оворагарчилигининг олди олиниши, шунингдек, судьяларнинг ҳам ортиқча иш юкламаларининг камайиши ҳамда уларнинг иш сифати яхшиланишига олиб келмоқда.

Маълумотларга қараганда, фуқаролик ишлари бўйича Бухоро вилояти судлари томонидан 2012 йилнинг ўтган 9 ойи давомида 61 минг 640 та ариза юзасидан суд буйруғи чиқарилган. Шундан 72 та суд буйруғи Фуқаролик-процессуал кодекси 238^{10}-моддаси талабига кўра, қарздор томонидан арз қилинган талабга қарши эътирозлар келиб тушганлиги сабабли бекор қилинган.

Манфаатдор шахснинг суд буйруғини чиқаришни талаб қилиш ҳуқуқи фақат қонунда кўрсатилган ҳоллардагина амалга оширилади. Бунинг учун судга тақдим қилинадиган ҳужжатлар, тарафлар ўртасида низо келиб чиқишининг олдини олиш мақсадида, илгари нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши керак.

Суд буйруғини чиқариш тўғрисида ариза, аксарият ҳолларда, аризачи томонидан, айрим ҳолларда эса, вакил этилган шахс томонидан ҳам берилиши мумкин. Бундай ҳолларда судья вакилнинг ваколатларини текшириши, агар ариза ваколати бўлмаган шахс томонидан берилгани аниқланса, уни рад этиши керак.

Суд буйруғи ариза судга келиб тушган кундан эътиборан уч кун ичида чиқарилиши лозим.

Шу ўринда мисолларга эътибор қаратсак, ундирувчи Бухоро шаҳар прокурори қарздор — Бухоро шаҳар Бухоро шоҳ кўчаси 18- уйда жойлашган "Баҳор" меҳмонхона мажмуасидан шу корхонада ишловчи фуқаро Ш.Аббасовга жами иш ҳақини ундириш бўйича суд буйруғини чиқариш ҳақида ариза билан мурожаат қилган. Фуқаролик ишлари бўйича Бухоро шаҳар судининг 2012 йил 5 мартдаги суд буйруғига биноан қарздордан Ш.Аббасов фойдасига 2011 йил январь-ноябрь ойларида тўланиши керак бўлган жами 3.793.766 сўмлик иш ҳақини ундириб бериш белгиланган.

Қонун талаби бўйича, суд буйруғи судья томонидан имзолангач, судья унинг кўчирма нусхасини дарҳол қарздорга юбориши лозим. Қарздор суд буйруғининг кўчирма нусхасини олган кундан эътиборан ўн кун муддат ичида талабларга қарши ўз эътирозларини буйруқ чиқарган судга юборишга ҳақли.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, фуқаролик қонунчилигига киритилган суд буйруғи институти амалда фуқароларнинг низосиз бўлган муносабатларини ўз вақтида, ортиқча сансалорликсиз ҳал этишга, муҳими, ортиқча харажатларнинг камайишига хизмат қилмоқда.

М.ҚОДИРОВА,
фуқаролик ишлари бўйича Бухоро вилояти судининг судьяси

Maslahat

Муомала лаёқати

қонун билан ҳимоя қилинади



Фуқаролик процессуал кодексининг 38-моддасида муомала лаёқати ҳақида сўз юритилган бўлиб, унга кўра, судда ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш лаёқати вояга етган фуқаролар ва ташкилотларга тегишлидир.

Вояга етмаган, яъни ёши ўн тўртдан ўн саккизгача бўлган фуқароларнинг, шунингдек, муомала лаёқати чекланган деб топилган фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари судда уларнинг ота-оналари, уларни фарзандликка олганлар ёки ҳомийлар томонидан ҳимоя қилинади. Аммо бу ҳол вояга етмаганларни ва муомала лаёқати чекланган деб топилган фуқароларни бундай ишларда шахсан иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

Меҳнат билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлардан ва олинган иш ҳақини ёки бошқа даромадни тасарруф этиш билан боғлиқ битимлардан келиб чиқадиган ишлар бўйича вояга етмаганлар судда ўз ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини шахсан ҳимоя қилиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай ишларда вояга етмаганларга ёрдам бериш учун уларнинг ота-оналарини, уларни фарзандликка олганлар ёки ҳомийларни жалб қилиш масаласини суд ҳал этади.

Ўн олти ёшга тўлган вояга етмаган шахс қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда муомалага тўла лаёқатли деб эълон қилинган (эмансипация) тақдирда судда ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларини шахсан амалга ошириши мумкин.

Ёш болаларнинг, яъни ўн тўрт ёшга тўлмаган фуқароларнинг, шунингдек, руҳий касаллик ёки ақли заифлиги туфайли муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини судда уларнинг қонуний вакиллари — ота-оналари, уларни фарзандликка олганлар ёки ҳомийлар ҳимоя қиладилар.

Лазиз ҚОДИРҚУЛОВ,
Олий суд катта консультанти

Islohot va samara

Миллий қадрият

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Бугунги кунда судлар томонидан 53 та жиноят таркиби бўйича ярашув институти самарали қўлланилмоқда.

Ярашув институти амалиётга жорий этилгунга қадар айтайлик, автоулов ҳайдовчиси йўл ҳаракати қоидаларини бузиб, йўловчига тан жароҳати етказса, гарчи у қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жабрланувчига етарлича ёрдам кўрсатган тақдирда ҳам, бари бир жиноий жавобгарликка тортиларди.

Бундан ҳар икки томон (айбланувчи ҳам, жабрланувчи ҳам) азият чекар ва фарзандлари тарбиясига салбий таъсир кўрсатарди.

Ярашув институтининг жорий этилиши билан бундай ҳолатларга бутунлай барҳам берилди. Ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноят содир этган ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлган, жабрланувчи билан ярашган ҳамда етказилган зарарни қоплаган фуқаролар жиноий жазодан озод этилмоқда.

Буни қуйидаги мисолларда ҳам яққол кўриш мумкин. Хусусан, Бўка туманида яшовчи Феруз Шоймардонов таниши Мансур Жадиевни уриб, унга тан жароҳати етказган. Биринчи босқич судида жабрланувчи ўзига етказилган зарар тўлиқ қопланганини, Ф.Шоймардоновга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини билдирди. Шу тариқа ярашганлиги муносабати билан айбдор жиноий жавобгарликдан озод қилиниб, жиноят иши ҳаракатдан тугатилди. Ёки Жамшид Раззоқов ишини олиб кўрайлик. У далада боғлиқ турган 800000 сўмлик буқани ўғирлаб, воқеа жойидан яширинган. Суриштирув жараёнида гумонланувчи ушланган. Судда Ж.Раззоқов қилмишидан пушаймонлигини, буқани жабрланувчига қайтариб бериб, у билан ярашганлигини билдирди. Натижада мазкур жиноят иши ҳам ярашганлиги муносабати билан ҳаракатдан тугатилди.

Шоҳруҳ Аҳмедов эса, ярим кечаси безорилик қилгани етмагандай, ишончнома орқали вақтинча эгалик қилаётган Ботир Омоновнинг енгил автомашинасининг ойнаси ва ёритиш чироқларини тош билан уриб синдириб, унга беш миллион сўмлик зарар етказган. Суд жиноят ишида тўпланган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, ҳуқуқий баҳо берди. Жабрланувчига етказилган зарар тўлиқ қопланиб, ярашиб олишгани сабабли жиноят иши ҳаракатдан тугатилди. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин.

Бироқ айрим фуқароларнинг ушбу қонун меъёрларини яхши тушунмаслиги, қилмишидан пушаймон бўлса-да, жабрланувчи билан ярашиш учун етказилган зарарни қопламасдан судланиб кетаётганлиги ачинарли ҳолдир. Шу ўринда мисол тариқасида бир жиноят ишига тўхталиб ўтсак. К.Тожиев бошқарувидаги «ГАЗ-33021» русумли автоуловни Зангиота тумани М.Фозилов ширкат хўжалигидан Тошкент шаҳри томон бошқариб кетаётиб, амалдаги йўл ҳаракати қоидалари талабларини қўпол равишда бузади ва қарама-қарши йўналишга чиқиб кетиб, Тошкент шаҳри томондан ҳаракатланиб келаётган ҳайдовчи Д.Солиев бошқарувидаги «ВАЗ-2101» русумли автоулов билан тўқнашув содир этган. Натижада «ВАЗ-2101» автоуловига шикаст етказилиб, ҳайдовчи Д.Солиев билан бирга автоулов ичида бўлган йўловчилар турли даражада тан жароҳати олишган.

Суд мажлисида жабрланувчилар айбдор уларга нисбатан етказилган зарарни қопласа, ярашиш ҳақида судга ариза беришга рози эканликларини билдирса-да, айбдор К.Тожиев етказилган зарарни қопламаган. Натижада у суднинг ҳукми билан ахлоқ тузатиш ишлари жазосига тортилган ва суд томонидан етказилган зарарни ундириш белгиланган.

Ярашилганлиги муносабати билан ишни тугатишнинг афзаллиги шундаки, биринчидан, жабрланувчига етказилган зарар тез ва тўлиқ қопланиши таъминланади. Иккинчидан, жиноят содир этган шахс жиноий жавобгарликдан озод этилгани учун судланмаган ҳисобланади. Учинчидан, айбдорни кечириш орқали улар жазоланмасдан тарбияланади.

Ярашув институтини татбиқ этиш суръатининг ўсиб бораётгани жабрланувчиларга ва давлатга етказилган моддий ва маънавий зарарларни қоплашга асос бўлмоқда.

Qonun ijodkorligi

Тадбиркорлар ҳуқуқларининг устуворлиги

амалда ишбилармонлар манфаатига хизмат қилмоқда

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Мазкур Фармон ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан қонун ташаббускорлиги ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган **"Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшиланиши муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги қонун лойиҳаси 2012 йилнинг 21 августида Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилди. Қонунчилик палатаси жорий йилнинг 7 ноябрь куни ушбу қонунни қабул қилиб, маъқуллаш учун Сенатга юборди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу қонунни қабул қилишдан кўзланган асосий мақсад — тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун янада қулай шарт-шароитлар яратишдан иборатдир. Шу муносабат билан жиноий жавобгарликни либераллаштириш мақсадида амалдаги Жиноят, Жиноят-процессуал ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига тегишли ўзгартиришлар киритилмоқда. Хусусан, Жиноят кодексининг 41-моддаси **«Тадбиркорлик субъектларининг ўзларига кўрсатилган хизматлар, шу жумладан, берилган кредитлар юзасидан тижорат банклари ва бошқа молия муассасалари олдидаги шартнома мажбуриятларини тадбиркорлик ва бошқа тижорат таваккалчиликлари билан боғлиқ ҳолда бажармаганлиги банк ва бошқа молия муассасалари ходимларини жиноий жавобгарликка тортиш учун асос бўлмайди»**, деган мазмундаги бешинчи қисм билан тўлдирилди.

Қонунга киритилаётган ушбу янги меъёрга кўра, тадбиркорларнинг ўзларига кўрсатилган хизматлар ҳамда банк ва бошқа молия муассасалари ходимларини касб ёки хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган асосли таваккалчиликлари жиноятни истисно қилувчи ҳолат эканлиги мустаҳкамланди.

Айтиш керакки, ушбу қонун кучга киргунга қадар бирон-бир шахс банклардан кредит олиб, касб ёки хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган асосли таваккалчиликлари оқибатида банкрот ҳолатига тушиб қолса, бунинг натижасида кредитни ўз вақтида қайтара олмаса, банк ва бошқа молия муассасалари ходимлари айрим ҳолатларда жиноий жавобгарликка тортилар эди. Энди бу ҳолатга барҳам берилади. Чунки Жиноят кодексининг 41-моддасига шартнома асосида олинган кредитлар қайтарилмаса, бу банк ва бошқа молия муассасалари ходимларини жиноий жавобгарликка тортиш учун асос бўлмаслиги қатъий равишда белгилаб қўйилди. Шу ўринда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора вакиллари кредит олувчи ва кредит берувчилар томонидан ҳужжатларни қалбакилаштириш, пора олиш-бериш жиноятлари содир этиладиган бўлса, Жиноят кодексининг 41-моддаси таъсир доирасига тушмаслигига эътибор қаратишлари лозим бўлади.

Шунингдек, мазкур қонун билан Жиноят-процессуал кодексининг 325-моддаси ҳам қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилди: **«Жиноят кодексининг 167, 170, 172, 173-моддаларида назарда тутилган ҳамда устав фондида давлат улуши бўлмаган юридик шахсга нисбатан унинг раҳбари ёки ходими томонидан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги жиноят ишлари фақат мазкур юридик шахс мансабдор шахсининг, мулкдорининг ёки ваколатли бошқарув органининг аризасига кўра, қўзғатилади».**

Маълумки, Жиноят кодексининг 167, 170, 172, 173-моддаларида етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслиги белгилаб қўйилган. Янги қонун орқали Жиноят кодексининг ушбу моддалари янада либераллаштирилди.

Бундан ташқари ушбу янги қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 61-моддаси қуйидаги мазмундаги тўртинчи қисм билан тўлдирилди: **«Устав фондида давлат улуши бўлмаган корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг мол-мулкини уларнинг раҳбари ёки ходими томонидан ўзлаштириш ва растрата қилиш йўли билан содир этилган оз миқдорда талон-тарож этиш фақат мазкур корхоналар, муассасалар, ташкилотлар мансабдор шахсининг, мулкдорининг ёки ваколатли бошқарув органининг аризасига кўра, жавобгарликка сабаб бўлади».**

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 61-моддасига киритилган ушбу қўшимча устав фондида давлат улуши бўлмаган корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг мол-мулкини уларнинг раҳбари ёки ходими томонидан оз миқдорда ўзлаштирса ва растрата қилса, маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларга нисбатан мазкур корхоналар, муассасалар, ташкилотлар мансабдор шахсининг, мулкдорининг ёки ваколатли бошқарув органининг аризаси берилмаган тақдирда, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юритилмайди.

Шунингдек, мазкур янги қонун билан ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш мақсадида бошқа қонун ҳужжатларига ҳам яна бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Хулоса ўрнида айтганда, ушбу янги қонуннинг қабул қилиниши тадбиркорлар ҳамда банк ва бошқа молия муассасалари ходимларининг касб ёки хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган асосли таваккалчиликлари жиноятни истисно қилувчи ҳолат эканлигини амалдаги қонунларда мустаҳкамлайди. Бу эса, тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишини жадаллаштиришда банклар томонидан фуқароларга кредитлар бериш учун янада қулай шарт-шароит яратишга хизмат қилади.

Фахриддин КОМИЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Munosabat

Одил судлов тамойиллари

янги қонунларда янада кенгроқ акс этмоқда

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Прокурор айбланувчини лавозимидан четлатиш тўғрисидаги илтимосноманинг асослигини текшириб, унга рози бўлган тақдирда, айбланувчини лавозимидан четлатиш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақидаги қарорни ва зарур материалларни судга юборади.

Бундай илтимоснома ёпиқ суд мажлисида, материаллар келиб тушган пайтдан эътиборан қирқ саккиз соатдан кечиктирмасдан кўриб чиқилади.

Судья етарли асослар мавжуд бўлганда айбланувчини лавозимидан четлатиш тўғрисида, акс ҳолда илтимосноманини рад этиш ҳақида ажрим чиқаради. Ушбу ажрим ўқиб эшиттирилган пайтдан эътиборан кучга киради. Ажримдан норози бўлган тегишли шахслар у чиқарилган кундан эътиборан 72 соат ичида апелляция тартибида шикоят бериши, прокурор эса, протест билдириши мумкин.

Суднинг ваколатидан жиноят ишини қўзғатиш ҳуқуқини чиқариб ташлаш, суд тергови вақтида жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи ҳолатлар аниқланганда суд томонидан қарор қабул қилишнинг ҳуқуқий механизми ҳам янги қонун асосида мустаҳкамланди.

Агар процесс иштирокчиларининг одил судловга қарши жиноят содир этганлик учун жиноий жавобгарликка тортилишига асослар суд муҳокамасида ёки иш апелляция, кассация ёхуд назорат тартибида кўриб чиқилаётганда аниқланган бўлса, унда суд жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун тегишли материалларни илова қилган ҳолда прокурорга хабар қилади. Бу меъёр Жиноят-процессуал кодексининг жиноят ишини қўзғатиш билан боғлиқ қатор меъёрларида ҳам тўлиқ акс эттирилди.

Жиноят-процессуал кодексига киритилган бу ўзгартишлар Фуқаролик процессуал ҳамда Хўжалик процессуал кодексларида ҳам ўз ифодасини топди.

Шунингдек, янги қонунга мувофиқ эндиликда судда жиноят иши кўрилаётганда айблов хулосасини ўқиб эшиттириш мажбурияти прокурорга юклатилди. Шу билан бирга судга ҳукмнинг фақат қарор қисмини эълон қилиш ҳуқуқини берилди.

Айтиш керакки, ушбу янги қонун қабул қилингунга қадар Жиноят-процесусал кодексида давлат айбловчиси, яъни прокурорнинг суд терговида айблов хулосасини ўқиб эшиттириш бўйича мажбурияти аниқ белгиланмаган эди. Қолаверса, Жиноят-процесусал кодексининг 439-моддасида суд тергови айблов хулосасини ўқиб эшиттиришдан бошланади, деган умумий ва мавҳум норма белгиланганлиги боис, айблов хулосасини кўпинча



судьялар томонидан ўқиб эшиттириш каби номувофиқ амалиёт шаклланган эди. Бу эса, суднинг мақсад ва вазифасига мутлақо мос келмас эди ҳамда жиноят процессида ўзаро тортишув принципини амалга оширишга тўсқинлик қиларди. Зеро, ўзаро тортишув принципига кўра, суд айблов ёки ҳимоя тарафида турмайди ҳамда уларнинг бирон-бир манфаатларини ифодаламайди.

Мазкур янги қонун билан киритилган ўзгартишга кўра, судда жиноят иши кўрилаётганда айблов хулосасини ўқиб эшиттириш мажбурияти прокурорга юклатилганлиги ҳам айнан суд процессида тортишувни янада кучайтиришга қаратилгандир. Зеро, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибдаги ўзаро тортишув, баҳс ва мунозалар ишни кўришда ҳақиқатни аниқлашга, пировардида инсон тақдири юзасидан суд томонидан адолатли қарор қабул қилишнинг етакчи омилларидан бири ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, жиноят-процессуал қонунчилигига киритилган мазкур меъёрлар суднинг мустақиллиги ва холислигини таъминлашга, жиноят процессида тортишув принципи тўлиқ амал қилишига ҳуқуқий асос яратди. Пировардида бу одил судлов тамойиллари янада кенгроқ қўлланилишига, фуқаролар ҳуқуқлари самарали ҳимоя қилинишига хизмат қилади.

Гайрат ҲИДОЯТОВ,
Олий суд судьяси

Аввало шуни айтиш керакки, амалдаги қонунчиликда ерни муҳофаза қилиш масаласига кенг ўрин берилган. Боиси ер — умумиллий бойликларимиздан бири ҳисобланади.

Ердан фойдаланиш, қонунда белгиланганидек, шартномалар тузиш орқали амалга оширилади. Ерни узоқ муддатга ижарага бериш шартномаси шулардан бири бўлиб, унда қайд этилган мажбуриятларни бузганлик учун қонунда жавобгарлик белгиланган.

Huquq va burch

Ер эгасига қайтарилди



Юртимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг асосини ташкил этаётган фермерлик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларга қулай шарт-шароитлар яратиш, мазкур соҳа вакилларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш барча давлат идоралари қатори судларнинг ҳам асосий вазифаларидан бири саналади. Шу боис судларда тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ ҳар бир фуқаролик иши синчковлик билан пухта ўрганилиб, қуйи инстанция судлари томонидан бу борада йўл қўйилаётган хато-камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмоқда.

Шу ўринда мисолларга мурожаат этсак, Яккабоғ туманидаги «Лолазор замини» фермер хўжалиги раиси Б.Бердиев судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, ўзига тегишли бўлган ер майдони ўзгалар томонидан ўзбошимчалик билан эгаллаб олинганини баён этган.

Мазкур иш фуқаролик ишлари бўйича Чироқчи туманлараро судида кўрилиб, даъвогарнинг даъвоси рад этилган. Иш фуқаролик ишлари бўйича Қашқадарё вилояти суди апелляция инстанциясида кўрилганда эса, Б.Бердиевнинг даъво аризасини қаноатлантириш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилди.

Боиси низога сабаб бўлган ер майдони ҳақиқатан ҳам, «Лолазор замини» фермер хўжалиги тегишли бўлган. Бу ҳақда туман ҳокимининг қарори чиқарилган бўлиб, ҳокимлик ва фермер хўжалиги ўртасида ер участкасини узоқ муддатли ижарага бериш ҳақида шартнома ҳам тузилган.

Бироқ жавобгарлар Б.Жабборов, С.Саломов С.Ҳайдаров, Ф.Пирматова, М.Бойназаров, Х.Абраев, Г.Эшқобилова, Ғ.Арзиев, Н.Арзиев ва Т.Жумақуловлар фермер хўжалигига тегишли токзорнинг 6 гектарини ўзбошимчалик билан эгаллаб олишган.

Ер кодексининг 91-моддасида қайд этилганидек, ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкалари уларга ғайриқонуний равишда эгалик қилинган ва фойдаланилган вақтда қилинган сарф-харажатлар қопланмаган тарзда тегишлилигига кўра, қайтарилади. Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкасини ер эгасига, ердан фойдаланувчига, ер участкаси ижарачисига ёки мулкдорига қайтариш тегишли туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг қарори ёки суднинг ҳал қилув қарорига кўра, амалга оширилади.

Фуқаролик ишлари бўйича Қашқадарё вилояти суди апелляция инстанцияси судда аниқланган ҳолатлар ва қонун талабларига асосланиб, фуқаролик ишлари бўйича Чироқчи туманлараро судининг иш юзасидан чиқарилган ҳал қилув қарорини бекор қилди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, ҳар бир ишда қонунларга риоя этиш, бошқаларнинг ҳуқуқларига дахл қилмаслик ҳаётимиз мезони бўлса, ҳеч қачон аттанг қилиб қолмаймиз.

У.ИТОЛМАСОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Қашқадарё вилояти судининг судьяси

Jinoyatga jazo muqarrar

Гиёҳвандлик аср вабоси

унга қарши курашиш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир

Суд очерки

Бу дунёда инсонни тўғри йўлдан адаштирадиган, уни турли хил кулфатларга дучор этадиган иллатлардан бири гиёҳвандликка рўжу қўйишдир. Гиёҳвандлик иллати нафақат инсоннинг соғлиғига путур етказади, балки жамият барқарорлигига ҳам жиддий хавф туғдиради.

Шу боис бу иллат узоқ йиллардан буён дунё жамоатчилигини қаттиқ ташвишга солиб келмоқда. Мамлакатимиз гиёҳвандлик воситаларини ноқонуний олди-сотдисига қарши ҳамжиҳатликда курашиш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга қарши кураш тўғрисида»ги Конвенциясини ратификация қилган.

(Давоми тўртинчи бетда)

ва қонунчилик

ёхуд қонунларга киритилаётган ўзгартишларнинг моддий-маънавий ва ҳуқуқий-тарбиявий аҳамияти беқиёслиги ҳақида

Бу ҳолатни биргина Тошкент вилояти мисолида кўрадиган бўлсак, мазкур қонун қабул қилиниб, кучга кирган пайтдан бошлаб, 2012 йилга қадар жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти, туман ва шаҳар судлари томонидан 16 минг 212 нафар шахс ярашганлик муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилинган. Бу жиноят содир этган шунча шахснинг ўз оиласи ва фарзандлари бағрига қайтганлигидан далолат беради. Бу ҳолатни мамлакатимиз миқёсида олиб қарайдиган бўлсак, ярашганлик муносабати билан ўтган давр мобайнида 131 мингдан ортиқ фуқаро «судланган»лик тамғасидан халос бўлди. Ярашув институтининг бу тахлитда ўсиб бориш динамикаси унинг самарадорлик даражасини яққол кўрсатиб турибди.

Айтиш керакки, келажакда ярашув институтини янада такомиллаштириш ва унинг таъсирига тушадиган шахслар доирасини кенгайтириш лозим, деб ҳисоблаймиз. Жумладан, Жиноят кодексининг 72-моддаси тартибида шартли ҳукм қилинганлар, шунингдек, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиниб, шартли жазонинг ўталмаган қисми даврида Жиноят кодесининг 66[1]-моддаси таъсир доирасига тушувчи жиноятларни содир этган шахсларга, Жиноят кодексининг 60-моддаси тартибида жазо тайинланмасдан, иш ярашув билан тугатилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Бундан ташқари ярашув институтини қўллаш имконияти ҳозирча фақат биринчи инстанция судига берилган. Фикримизча, ярашув институтини қўллашни суднинг апелляция, кассация ва назорат босқичларида ҳам жорий этиш лозим. Чунки амалиётда шундай ҳолатлар ҳам учрайдики, биринчи инстанция суди ярашув институти таъсир доирасига тушувчи жиноят ишини кўриб, жабрланувчи ярашмаганлиги муносабати билан судланувчига нисбатан айблов ҳукми чиқаради. Аммо маълум муддат ўтгач, жабрланувчида судланувчи билан ярашиш истаги пайдо бўлиб қолган тақдирда ҳам, суд ярашув институтини қўллай олмайди.

Ҳолбуки, ярашиш учун қонунда белгиланган муддатда судланувчининг моддий зарарни қоплаш учун хоҳиши бўлган тақдирда ҳам бунинг учун маълум вақт талаб қилиниши, жабрланувчи билан ярашиш учун унинг кўнглига йўл топиши, шу мақсадда бу жараёнга маҳалладаги кўпни кўрган оқсоқолларни жалб этиш ва ўзаро муросага келиш учун ҳам маълум вақт талаб этилишини инобатга олиш зарур.

Шу билан бир қаторда судьялар оммавий ахборот воситалари, фуқароларнинг иш, ўқиш ва яшаш жойларида ўтказиладиган учрашувлар ҳамда бевосита мулоқотлар орқали кенг аҳоли қатламига ярашув институтининг мазмун-моҳияти ҳақида янада кенгроқ тушунтириш бериши лозим.

Мухтасар қилиб айтганда, судлар томонидан ҳозирда ярашув институтининг самарали қўлланилаётганлиги мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари устувор қадрият сифатида эъзозланаётганлигининг яққол ифодасидир.

Исматулла МАМАНОВ,
жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг судьяси

Hikmat

Донолар дейдиларки

Сўз — гул, иш — мева.

* * *

Яхши сўзла, аммо маҳмадона бўлма, эзмалик калтабинликдир.

* * *

Бахт ҳавода эсмайди, меҳнатдан келади.

* * *

Шошиб қилинган ишнинг умри қисқа бўлади.

* * *

Қалбдан чиққан сўз қалбга йўл солади.

* * *

Ҳазилни ҳам тузга ўхшаб меъёрида ишлатиш керак.

* * *

Ақл, шубҳасиз, бахтиёрликнинг биринчи шартидир.

* * *

Китоби йўқ олим — мевасиз дарахт.

* * *

Яхши дўст — туганмас хазина.

* * *

Масаланинг моҳияти билимнинг бутунлигида, ақлнинг бутунлигидадир.

2012-yil — «Mustahkam oila yili»

Мустаҳкам оила — соғлом жамият

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 27 февралда қабул қилинган **"Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури тўғрисида"**ги қарорида оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш борасидаги муҳим йўналишлар белгилаб берилган. Ҳар бир ёш оила олдида эртами-кечми шахсий уйжойга эга бўлиш зарурати пайдо бўлади. Шунинг учун бу йил туманда "Ипотека банк"нинг Яккасарой бўлими томонидан ёш оилалар учун иккита кўп қаватли уй ажратилиб, улардаги хонадонлар кредитга берилмоқда. Бундан ташқари, ёш оилалар ва коллеж битирувчилари учун микрокредитлар бериш имкониятлари ҳам кенгайтирилмоқда. Тўққиз ой давомида ёш оилаларга мебель ва маиший техникаларни сотиб олиш учун 600 миллион сўмдан зиёд, хонадонлар ва уйларни таъмирлаш, қурилиш материалларини харид қилиш учун 76 миллион сўмдан ортиқ кредит маблағлари берилди.

— Имтиёзли кредит эвазига уй-жой сотиб олиб, бундан ғоятда мамнун бўлган дўстларимиз бизга ҳам шуни маслаҳат беришди, — **дейди Азиз Нурмуҳамедов.** — Мен 2009 йилда оила қурганман ва ҳозирги пайтда бир нафар фарзандимиз бор. Квартира сотиб олиш учун турмуш ўртоғим билан кредит олишга қарор қилдик. "Ипотека банк"нинг Яккасарой бўлимига мурожаат этдик, бизга кредит бериш шартлари, айниқса, унинг 15 йиллик муддатда қайтарилиши ва уч йиллик имтиёзли даври мавжудлиги жуда маъқул бўлди. Маълумотим бўйича иқтисодчиман, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетини тамомлаганман, шунинг учун бундай қарз берилишининг афзалликларини яхши тушунаман. Хонадонжуда яхши ҳолатда эканлиги бизни қувонтирди. Уйнинг жойлашуви ҳам қулай, ёнгинасида автомобиллар тўхташ жойи бор, болалар майдончаси, болалар боғчаси мавжуд. Кейинчалик маиший техника сотиб олиш учун ҳам кредит олишни мўлжалламоқдамиз.

Туманда кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилаларга ёрдам бериш дастури ишлаб чиқилган бўлиб, унинг доирасида бундай оилалар моддий ёрдам олмоқда.

Кам таъминланган оилаларнинг турмуш шароитларини яхшилаш, уларни ишга жойлаштириш имкониятлари қидирилмоқда. 18 маҳаллада янги иш ўринлари яратилди, уларда сартарошхоналар, тикувчилик ва косибчилик, электр ва маиший асбоб-ускуналарни таъмирлаш устахоналари очилган бўлиб, улар уч йил давомида солиққа тортилмайди.

"Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури доирасида 19 хонадон жорий таъмирланди, битта хонадон капитал таъмирдан чиқарилди.

Туман уй-жой фондининг кўркам қиёфасини яратишга катта эътибор қаратилмоқда. 63 та кўп қаватли уйнинг олд томонида таъмирлаш ишлари олиб борилди, 124 кириш йўлаклари ўзининг ёркин ранглари ва текислиги билан хонадон соҳибларини хушнуд этмоқда, томлар ҳам таъмирланди. Болажонлар учун янги болалар майдончалари қурилди ва таъмирланди, кўчаларга мевали ва манзарали дарахтлар экилди ҳамда бутазорлар, гулзорлар барпо қилинди.

Оила саломатлиги унинг ҳар бир аъзоси соғлиғига боғлиқдир. Шу муносабат билан соғлом ҳаёт тарзини тарғиб қилиш ва зарарли одатларга қарши курашиш бўйича қизғин ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, тумандаги таълим муассасалари ва маҳаллаларда "Чекмасдан ҳаёт гаштини сур", "Соғлом оила — соғлом миллат", "Биз ОИТСга қаршимиз", "Эрта никоҳларнинг олдини олиш", "Оила мустаҳкамлиги — юрт осойишталиги", "Вояга етмаганлар никоҳи ва унинг салбий оқибатлари", "Мустаҳкам оиланинг ижтимоий-психологик омиллари" мавзуларида давра суҳбатлари ва учрашувлар ўтказилди.

Яккасарой тумани "Қушбеги" маҳалласи фуқаролар йиғининининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Д.Қорабоева "Энг яхши маҳалла маслаҳатчиси" танловининг шаҳар босқичида иккинчи ўринни эгаллади.

— Ёш оилаларни қўллаб-қувватлашда катта масъулият айнан маҳалла зиммасига тушади, — **дейди Д.Корабоева.** — Бу ерда яшайдиган барча оилалар маҳалла қўмитасининг диққат марказида туради. Ҳар куни оилаларда бўлиб, яшаш шароитларини кўздан кечирамиз, қўшнилар билан суҳбатлашамиз, ногиронлар, фахрийлар ва қарияларнинг ҳолидан хабар оламиз. Айниқса, ногиронлар ва қариялар, кам таъминланган ва кўп болали оилаларга катта эътибор қаратамиз, уларга керакли маслаҳатлар берамиз, моддий ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатамиз. Маҳалла қошида турли жамоатчилик комиссиялари иш олиб боради, уларга катта ҳаётий тажрибага эга бўлган энг обрўли кишилар сайланган.

Оиланинг жисмонан соғлом бўлишига эришиш, унда руҳий яқинликни таъминлаш ва фарзандларимизни соғлом турмуш тарзи талаблари асосида тарбиялашда оилавий спорт муҳим ўрин тутади. Бунда энг яхши амалий натижа берадиган тарбиявий усул — шахсий намуна кўрсатишдир. Болалар биргаликдаги спорт машғулотларида қатнашар экан, ота-оналарини диққат билан кузатиб туради ва улардаги энг яхши хислатларни ўзига олишга ҳаракат қилади, тиришқоқликни ўрганади, ўз характерини шакллантириб, тоблаб боради. Мана шундай масканлардан бири — «Қушбеги» болалар спорт мажмуаси бўлиб, бу ерда анъанавий тарзда «Отам, онам ва мен — спортчилар оиласи» мусобақаси ўтказиб турилади.

Мухтасар айтганда, оила институти тобора мустаҳкамланиб, унинг жамиятдаги мавқеи юксалмоқда, юртимиз оилалари бағрида маънан ва жисмонан соғлом, баркамол авлод вояга етмоқда.

Роман БОНДАРЧУК,
ЎзА мухбири

Jinoyatga jazo muqarrar

Гиёҳвандлик аср вабоси

унга қарши курашиш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Шунингдек, мустақиллик йилларида мамлакатимизда гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний айланишига қарши курашнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилди. 1999 йил 19 августда қабул қилинган «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги қонун бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлди. Бундан ташқари Жиноят кодексининг 270-276-моддаларида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларни содир этганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланди.

Мамлакатимизда бу иллатга қарши қатъий чора-тадбирлар амалга оширилаётганига қарамай нафс қутқусига учган айрим кимсаларнинг бу разил қилмишга қўл ураётгани афсусланарлидир.

Шу ўринда мисолларга эътибор қаратадиган бўлсак, Самариддин Холдоров (исм-шарифлар шартли) ҳаётда бирон-бир касбнинг этагини тутиб, ҳалол меҳнат қилишга қобилияти ҳам, жисмоний қуввати ҳам етарли эди. Аммо у ҳалол меҳнатдан қочиб, осон йўл билан бойлик орттириш мақсадида гиёҳвандлик воситаларини сотиш каби жирканч қилмишга қўл урди. Аниқроқ айтадиган бўлсак, у хориж фуқароси Қобил исмли шахс билан Тожикистон Республикасидан контрабанда йўли билан республикамизга олиб ўтилган кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситасини яширин равишда сотиш тўғрисида жиноий тил бириктиради.

Ҳамтовоқлар ўртасидаги ўзаро келишувга кўра, Қобил белгиланган вақтда қўшни республикадан Бекобод туманига оқиб ўтадиган канал орқали «юк»ни полиэтилен қопда сувга оқизиб юборади. Ўша дамда канал ёқасида кутиб турган Самариддин «юк»ни сувдан тортиб олиб, пахта майдонига кўмиб қўяди. Кейинроқ эса, арава олиб келиб, гиёҳвандлик моддасини уйига олиб кетади ва тандир ичига яшириб қўяди.

Шундан сўнг у гиёҳвандлик моддасини яширин равишда сотиш ҳақида ўйлай бошлайди. Бунинг учун унга автомашина керак эди. У ўйлай-ўйлай қишлоқдоши Сайфиддин Бойқўзиевга учрашади. Унинг «Дамас» русумли шахсий машинаси бор эди.

Буни қарангки, хизмат ҳақига мумай пул олишини эшитган Сайфиддин унинг таклифига рози бўлади. Шундан сўнг у машинасининг орқа ўриндиқларини ечиб олади-да, Самариддиннинг уйига боради. Улар биргаликда гиёҳвандлик воситаларини иккита қопга жойлашади. Ёз кунларида нима кўп, қовун-тарвуз сотувчилар кўп. С.Холдоров билан С.Бойқўзиев «оғу» солинган қопларни қовун билан тўлдиришади. Улар бу хатти-ҳаракатлари билан гўё одамларнинг кўзини чалғитмоқчи бўлишади. Бироқ...

«Бекобод-Ширин-Боёвут-Янгиер-Ховос-Даштобод-Зарбдор» йўналиши бўйича ҳаракатланиб келган «Дамас» русумли автомашина Сирдарё вилоятининг Сардоба тумани «М-39» автомагистрали ёқасидаги чойхона олдида тўхтайди. Машинадан қовун солинган қопларни туширган Самариддин билан Сайфиддин «мижоз» келишини кутиб туришади. Сиёҳранг «Дамас»дан туширилган «юк» Жиззах вилояти ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораси ходимларига шубҳали туюлади. Шундан сўнг улар холислар иштирокида «Дамас»даги юкларни текшириб кўришганда, рангсиз целлофанга тўртбурчак қилиб қадоқланган, қорамтир кўк рангли, ўткир ҳидли, йиғирмата ўрамда «гашиш» — гиёҳвандлик воситаси қовунлар остига яшириб қўйилгани аниқланди. Гиёҳванд воситаларининг оғирлиги целлофани билан бирга 21 килограмм 830 грамм экан.

Ўрни келганда шуни айтиш керакки, судланувчи С.Холдоровнинг икки нафар, С.Бойқўзиевнинг уч нафар фарзанди бор. Аммо уларнинг ҳар иккиси ҳам бирон-бир жойда ёлчитиб ишламаган. Айтиш керакки, текинтомоқлик, енгилнинг остидан, оғирнинг устидан юриш истаги уларни ана шундай мудҳиш қилмишга қўл уришига олиб келди.

Вилоят суди очиқ суд мажлисида Жиноят кодексининг 28, 246-моддаси 2-қисми, 25, 273-моддаси 5-қисми билан айбдор, деб топилган С.Холдоров ва Жиноят кодексининг 25,273-моддаси 5-қисми билан айбланган С.Бойқўзиевга нисбатан суд ҳукми чиқарилди. Судланувчи С.Холдоров ўн беш йилу олти ойга, С.Бойқўзиев ўн тўрт йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Жиноят қуроли деб топилган, 12 миллион 750 минг сўмга баҳоланган С.Бойқўзиевга тегишли «Дамас» русумли автомашина давлат эгалигига ўтказилди. Ашёвий далил сифатида олинган 21 килограмм 282 грамм «гашиш» гиёҳвандлик воситаси тегишли тартибда йўқ қилинди.

Таъкидлаш жоизки, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимларининг тезкор саъй-ҳаракати билан бу жиноий қилмиш ўз вақтида бартараф этилди. Агар ўз вақтида бундай катта миқдордаги гиёҳвандлик моддасининг йўли тўсиб қолинмаганда, қанчадан-қанча оилаларнинг ҳаёти заҳар-заққумга айланиши мумкин эди.

Нафс қутқусига учган икки гумроҳ ўзлари, оиласи, фарзандлари тақдирини ўйламай қалтис йўлга қадам босишди. Аммо ғараз ният охирига етмай завол топди.

Шу ўринда мақолага сўнгги нуқта қўйсак ҳам бўларди. Бироқ баъзи фикрларни айтиб ўтишни лозим топдик. Мамлакатимизда бугун юз кўрсатаётган кенг кўламдаги янгиланиш ва ўзгаришлар жараёни кўрган кўзни қувонтиради. Айтиш керакки, мамлакатимизда барқарор тинчлик, осойишталик ана шундай яратувчанлик, бунёдкорлик ишларига кенг йўл очмоқда. Шу боис ҳам тинчлик ва осойишталикни асраб-авайлаш, гиёҳвандлик сингари иллатларга қарши муросасиз курашиш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир.

Шухрат КАМОЛОВ,
жиноят ишлари бўйича Жиззах вилояти суди раисининг ўринбосари
Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
«Куч — адолатда» мухбири

Бу ҳаётда туянинг суратини ёки ҳайвонот боғида унинг ўзини кўрганда кўнгилдан беихтиёр шундай савол кечади: туяларда ўркач қандай пайдо бўлган? Нега уларнинг айримлари бир, бошқалари эса, икки ўркачли?

Sirli olam

Биз билган ва билмаган дунё

Аслида табиатда бу жониворнинг фақатгина икки тури — бир ва икки ўркачлиларигина мавжуд. Бир ўркачли туялар асосан уй жонивори ҳисобланади. Улар аллақачон ёввойи ҳолда учрамай қўйган. Чунки уларни хонакилаштириш тахминан 6000 йил илгари Шимолий Африка ёки Арабистон ярим оролларида бошлаган.

Қўлга ўргатилган, яъни хонакилаштирилган икки ўркачли туялар Бақтрия туялари деб ҳам аталади. Бундан кўриниб турибдики, икки ўркачли туялар қадим даврларда асосан кўҳна Бақтрия, яъни Ўрта Осиё ҳудудида уй жониворлари сифатида боқилган.

Бу туя турларининг ёввойи ҳолда кун кечирадиганлари ҳозирги кунга келиб фақат Мўғулистоннинг жануби-ғарбий ва Хитойнинг шимоли-ғарбий ҳудудларидагина сақланиб қолган.

Бундан атиги икки аср муқаддам ҳам туялар жуда кенг тарқалган эди. Кейинчалик туянинг гўшти ва терисига нисбатан талабнинг ошиб кетиши натижасида уларнинг сони камайиб кетди.

Дунёдаги ҳеч бир ҳайвонот боғида ёввойи туя йўқ, аммо хонакилаштирилган туяни ҳатто энг оддий ва кичик ҳайвонот боғида ҳам учратиш мумкин. Бир қарашда, ёввойи ва хонакилаштирилган туялар ўртасида кескин фарқ сезилмайди. Аммо эндигина дунёга келган бўталоқларнинг одамга тез ўрганиши, қўлдан ҳуркмай овқатланиши кишида хайрихоҳлик уйғотади.

Ёввойи туялар 6-10 бошли пода ҳолида яшайди. Ҳар бир тўданинг, албатта, катта ёшдаги йўлбошловчи туяси бўлади.

Туяларнинг туёғи йўқлиги учун унинг ўрнини серқадоқ, айри ёстиқча шаклидаги товонлари уларга қаттиқ ва қайноқ ерда, тошлоғу сирпанчиқ қум устида ҳам нафақат юриш, балки югуриш имконини беради. Айнан товондаги қадоқли ёстиқчалар туялар учун ҳақиқий амортизатор вазифасини ўтайди, улар саҳро қумига ботиб кетишмайди ва бир кунда ўнлаб километр масофани босиб ўтишади.

Туялар нафақат жазирама, балки совуққа ҳам жуда чидамли бўлади. Чунки бу жониворлар яшайдиган саҳроларда ёзда ўртача 35-40 даража, қишда эса — 35-40 даражага қадар изғирин ва бўронлар бўлади.

Аммо барибир туянинг энг қизиқарли жиҳати унинг ўркачлари билан боғлиқдир. Эътибор беринг: дунёдаги бирор-бир жонзот ўркачли эмас! Ўркачлар — туянинг ҳақиқий ёғ омбори. Шунинг учун ҳам улар бир ҳафта давомида озуқа емай туриб ҳам ўз фаоллигини йўқотмайди.Чунки ўркач-омборларнинг оғирлигининг ўзи нақ 200 килограммни ташкил этади.

Туя энг ўткир ва дағал тиконли ўсимликларни ҳам бемалол ейди. Сабаби, уларнинг бутун оғиз бўшлиғи қотиб кетган эпителий билан қопланган бўлиб, бу жониворга энг дағал тиконни ҳам қийналмай чайнаш имконини беради. Саҳро паҳлавонлари ўт-хашаклардан тортиб саксовулу дарахт япроқларини ҳам иштаҳа билан истеъмол қилади.

Туянинг сувсизликка узоқ муддат бардош беришига келсак, бир томондан, унинг сувни кўп миқдорда, яъни бир пайтнинг ўзида 5-6 челаккача ичиб қўйишини билишнинг ўзи етарли. Чанқоғи қонгач, унинг ошқозонига яна 120-130 литргача суюқлик сиғади. Иккинчи томондан, туялар 10 суткагача бемалол сувсиз юра олади. Аммо бу асло унинг ошқозонидаги сув заҳираси билан боғлиқ эмас. Аслида ошқозонда йиғилган сув жуда қисқа муддатда организм томонидан ўзлаштириб олинади. Гап шундаки, туялар шундай физиологик хусусиятга эгаки, улар ўз вужудини етарли даражада намлик билан таъминлай олмай қолган пайтларда вазнининг тўртдан бир қисмини йўқотади. Аммо шунга қарамай умумий аҳволи яхшилигича қолади.Чунки бу жониворнинг қони таркибидаги намлик ҳали етарли даражада бўлгани учун ҳам фаоллигини сақлаб қолади. Бошқа бирор тур жониворларда бундай хусусият учрамайди.

Туянинг қорин тўйдириб олиши ҳам осон кечмайди. Чунки у бир сутка давомида 40-45 килограммгача ўт-ўлан ва тикон ейиши керак. Шунинг учун улар жуда узоқ муддат, асосан тонг пайти ва шом чоғида олдинга ҳаракатланган кўйи асосан емиш излаш ва озиқланиш билан банд бўлади. Қоронғу тушиши билан туялар тунаш учун жойини хавф туғилиши билан дарҳол сакраб туришга қулай ва чор-атроф кафтдек кўриниб турадиган ердан танлайдилар. Улар ёнбош ёки оёқларини қорни остига йиғиб олиб ухлайдилар. Ҳаво аёзиган пайтда эса, бу жониворлар тинчроқ ва шамол тегмайдиган жойни топиб, уйқуга кетишади.

Яқиндагина дунёга келган жажжи бўталоқлар ниҳоятда ёқимтой бўлади. Улар пахмоқкина жун билан қопланган, аммо туғилганиданоқ ўркачли бўладилар. Дастлабки пайтлар бу ўркачлар тик эмас, аксинча, ёнбошга оғиб ётади. Бўталоқлар улғайган сари ўркачлар ҳам аста-секин кучга кириб, ҳақиқий ва энг зарур юк — ўркачни ҳосил қилади. Она туя бўталоғини (фақат битта) нақ 14 ой қорнида кўтариб юргач, дунёга келтиради. Бўталоқлар бир йилдан ортиқ давр мобайнида фақат она сути билан озиқланиб юрса-да, икки-уч ойлик чоғиданоқ турли ўт-ўланларни ҳам ей бошлайдилар.

Интернет материаллари асосида Хулкарой ЎРАЛОВА тайёрлади.

КУЧ—АДОЛАТДА

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Бўритош МУСТАФОЕВ
Шерали РАҲМОНОВ
Боқижон ЯҲЁЕВ
Мавжуда РАЖАБОВА
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Омонбой ОҚЮЛОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Арислон УСМАНОВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир
Сардор ҲАМРОЕВ
Саҳифаловчи
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй.
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: (8 371) 239-02-54, 241-01-56

Буюртма: Г-1116. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 6007.
1 2 3 4 Топшириш вақти: 21⁰⁰ Топширилди: 22⁰⁰